Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 1 август 1973 йил, чоршанба ✦ № 179 (15.653). ✦ Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини бажара бориб, бу йил бошоқли-дон экинлардан яхши ҳосил етиштирдилар.

Ғаллакорлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил қисқа муддатда — ўтган йилдагидан 30 кун илгари етиштирилган бутун ҳосилнинг ўрим-йиғимини тугалладилар.

Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари катта майдонларда арпа ва буғдой ўрим-йиғимини юксак суръатлар билан ўтказдилар.

Бу йил Сурхондарё ва Тошкент областларининг колхозлари ва совхозлари лалмикор ерларда мўл ҳосил етиштирдилар. Суғориладиган ерларда мўл ғалла ҳосили етиштирилди. Андижон области хўжаликлари ҳар гектар ердан 46 центнердан, Сурхондарё ва Наманган областлари хўжаликлари — 36 центнердан, Қашқадарё области хўжаликлари 32 центнердан ғалла ўриб-йиғиб олдилар.

Ғалла ўрим-йиғимида комбайнчилар: Булунғур район «Победа» колхозидан Б. Турсунов, «Правда Востока» колхозидан Ғ. Шодиёров, Самарқанд областидаги 1-«Ғаллаорол» совхозидан А. Бойжонов, Х. Мирсаидов, Қашқадарё областидаги «Китоб» совхозидан М. Бобоқулов, Охунбобоев номли совхоздан Э. Жонузоқов, «Авангард» совхозидан Н. Нормуродов, Сурхондарё область «Бойсун» совхозидан Б. Қорабоев, «Сайроб» совхозидан М. Алихонов, Сирдарё область «Ударник» совхозидан А. Қиличев, 2-«Зомин» совхозидан Э. Олмонов, Тошкент область, 1-«Пискент» совхозидан М. Мустақимов, Ю. Бильцов, «Ғаллақудуқ» совхозидан М. Луапаровлар ажойиб меҳнат қилдилар. Улар мавсумда 450-700 гектар майдонда бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олдилар ва 350-600 тоннадан дон янчдилар.

Республиканинг кўпгина комбайнчилари ўз хўжаликларида ўрим-йиғимни тугаллаб, ўтган йилларда бўлганидек, ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда ёрдам кўрсатиш учун ўз комбайнлари билан қардош Қозоғистонга жўнаб кетдилар.

Етиштирилган ҳосил давлатга дон сотишни юксак суръатлар билан олиб бориш имконини берди. Андижон, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона областлари ғалла тайёрлаш бўйича топшириқларни ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажардилар.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси автомобилчилари ва республика Тайёрлов министрлигининг ғалла қабул қилувчи базалари ўрим-йиғимда, ғаллани ташиш ва тайёрлашда яхши меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари давлатга ғалла топширишни, уруғлик ва ем жамғаришни давом эттирмоқдалар, далаларни келгуси йил ҳосилига тайёрламоқдалар.

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг комсомол-ёшлар бригадаси 61 гектар майдонда маккажўхори етиштирмоқда. Гектаридан 70 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун курашаётган бригада коллективи юксак ахдга яраша меҳнат қилмоқда. Суратда бригада бошлиғи Ғани Юсупов.

А. Тўраев фотоси.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Саккизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг бешинчи сессияси 31 июлда Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди.

Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих ўртоқларни мажлис аҳли самимий кутиб олди.

РСФСР аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда кўпгина депутатлар иштирок этишди. Улар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси меҳнаткашларнинг баракали меҳнат қилиши, маънавий ўсиши ва маданий дам олиши учун шарт-шароит яратиб беришга маълум даражада даъват этилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг эришилган даражаси совет кишиларининг ўсган талабларига ҳамиша ҳам жавоб бермаётир.

Нотиқлар илғор тажриба тўғрисида гапириб бердилар, таклифлар киритдилар. Бу таклифлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд камчиликларни тугатишга кўмаклашади, яхши кайфият хизмати олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

Россия Федерацияси Олий Советининг «РСФСР аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бир овоздан қабул қилинди.

Сўнгра РСФСР Олий Совети Президиумининг тўртинчи ва бешинчи сессиялари ўртасида қабул қилинган Фармонлар тўғрисида РСФСР Олий Совети Президиумининг Секретари, депутат Х. П. Нешков доклад қилди. Россия Федерациясининг Олий Совети РСФСР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлади ҳамда тегишли қонун ва қарорлар кабул қилди.

Депутат Н. В. Босенко РСФСР Министрлар Совети бутун Россия «Россельхозтехника» бирлашмасининг раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан РСФСР Олий Советига республика Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Ставрополь ўлкасидаги «Большевик» давлат қўйчилик наслчилик заводининг директори депутат Г. Ф. Пушкарний РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Шу билан саккизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАН ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Советлар мамлакати қардош республикаларининг ягона ва бузилмас иттифоқида шонли революцион, жанговар ва меҳнат йўлини босиб ўтди. Коммунистик партия ва Совет давлати Совет Россиясининг мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди: Россия Федерацияси икки Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. Иттифоқ социалистик кўп миллатли давлатимизнинг олтин юбилейи шарафига у барча иттифоқдош республикалар қатори Халқлар дўстлиги орденига сазовор бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифокининг эллик йиллиги тўғрисида»ги докладида таъкидлаб ўтганидек, «...Тенг ҳуқуқли республикалар орасида биринчи бўлган энг катта республикамиз — Россия Федерацияси алоҳида тарихий ролни бажариш шарафига муяссар бўлди».

31 июль куни Москвада, Катта Кремль саройида РСФСР Олий Советининг республика меҳнаткашлари вакиллари билан биргаликда Россия Федерациясига Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих ўртоқлари мажлис аҳли самимий кутиб олди.

Улар билан бирга президиумда СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумлари Раисларининг ўринбосарлари, СССР ва РСФСР Министрлар Советлари Раисларининг ўринбосарлари, СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумларининг аъзолари, СССР ва РСФСР министрлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари бор эди.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов Россия Федерацияси СССР Олий Совети Президиумининг 1972 йил 29 декабрдаги фармонига мувофиқ Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлигини айтди. Россия Федерациясининг меҳнаткашлари бу юксак мукофотни жонажон Коммунистик партиямизга ва унинг ленинчи Марказий Комитетига ғоят зўр миннатдорчилик ва чексиз садоқат ҳисларига тўлган ҳолда, зўр ҳурсандчилик, фахрланиш ва масъулият ҳисларига тўлган ҳолда қабул қилиб олмоқдалар.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқининг давлат гимни янграйди.

Россия Федерациясининг байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи залга олиб кирилади. РСФСРнинг ўн олти автоном республикаси, беш автоном области, Москва ва Ленинград вакилларининг делегацияси ҳам кириб келади. Делегация составида ишчилар, колхозчилар, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари бор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга сўз берилади.

Ўтмиш бўлиб қолган нарсаларнинг кўпи йиллар ўтган сари ўз таъсирини йўқотиб, сўна бошлайди, фақат тарихнингина мулки бўлиб қолади. Аммо замонга бўйсунмаган воқеалар ҳам бор. Бу воқеалар неча ўн йиллар ўтиши билан яна гавдаланиб, инсоннинг олдида ўзининг бутун улуғвор кўламлари билан намоён бўлади. СССРнинг — Совет республикалари давлат иттифоқининг ташкил топиши худди шундай воқеа бўлди. СССР мамлакатимиздаги барча халқларнинг Россия ишчилар синфи бошчилигида Коммунистик партия раҳбарлигида революцион ижодкорлиги натижасида вужудга кела олди. (Қарсаклар).

Россия Федерацияси бу иттифоқнинг негизи бўлди. Россия Федерациясида кўп миллатли давлат доирасида миллий масалани адолатли ҳал этиш соҳасида ғоят қиммат ли тажриба биринчи марта амалда қўлга киритилди. Бунинг ўз қонуниятлари, чуқур тарихий мантиқи бор. Халқларни бирлаштириш йўлидаги ҳаракат ришталари Россияда азалданоқ бир-бирига уланиб кетар эди. Бу ерда экономика, фан ва маданиятнинг жуда йирик ўчоқлари бор эди. Самодержавие истибдодининг бениҳоя оғир шароитларига карамай, Россиядаги прогрессив фикр яхши қисмат учун, социал ва миллий озодлик учун курашнинг жуда бой тажрибасини ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларида вужудга келган жамики илғор, чинакам халқ кучлари ҳамиша Россияга, рус халқига интилди.

Рус халқининг энг яхши фарзандлари кўпгина миллий хусусиятларни революцион ҳаракат билан чамбарчас боғлаб, ўз ақли, иродаси ва ғайратини мамлакатимизни социал жиҳатдан ўзгартириш ишига, бутун инсониятнинг тараққиёти ишига тамомила бўйсундирдилар. Шу аср бошларида Россия ишчилар синфи эксплуататорлик жамиятининг зулмига ва ҳуқуқсизлигига қарши курашда ташаббускор ва ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб қолди. В. И. Ленин Россия революцион курашининг боришини таҳлил этиб, башорат билан шу гапларни айтган эди: «Коммунистик революциянинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи жиҳатидан улуғ рус пролетариати ғоят буюк социалистик роль ўйнайди»... Россия Большевиклар партияси мамлакатимиз меҳнаткашларини пролетар революцияси ғалабасига олиб келди. Бошқа совет халқлари ўз оғаси деб атаган рус халқи мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларга бегараз ёрдам берди ва айни вақтда социалистик жамият қурилишида уларнинг ёрдами ва мададига таянди.

Совет Россияси мамлакатимиздаги барча республикалар билан қардошлик иттифоқида ривож топган социализмнинг баланд чўққиларига дадил кўтарилиб, тенг халқлар орасида биринчи бўлиб инсониятга коммунистик истиқбол сари бориш йўлини комил ишонч билан очиб бермоқда. (Қарсаклар).

Азиз ўртоқлар!

Янги жамият қуриш йўлида олга қараб қилаётган ҳаракатимиз беш йиллик босқичлари билан белгиланади. Бу босқичларнинг ҳар бирида муайян маррага эришиладиган ва айни вақтда бу марра янги мақсадлар учун курашда бошланғич нуқта бўлиб қолади. Тўққизинчи беш йилликнинг ярмидан ўтилди. Бу йилларнинг умумий якунлари, ютуқларимиз ва камчиликларимиз, беш йилликнинг иккинчи ярмида партия халқ хўжалиги олдига қўйилган конкрет вазифалар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг якинда қардош Украина ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтида ва Киевда партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқларида батафсил таҳлил этилди. Мамлакатнинг иқтисодий потенциали тўхтовсиз ошиб бормоқда, бутун хўжаликнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, фан ва техниканинг илғор ютуқлари ишлаб чиқаришга муваффақиятли суратда жорий қилинмоқда.

Советлар мамлакатининг экономикаси беш йиллининг ҳал қилувчи учинчи йилида шаҳдам қадамлар билан олга бормоқда. Партиянинг 1973 йилги зарбдор меҳнат йилига айлантирайлик деган даъватини бутун халқимиз астойдил қўллаб-қувватлади. Бу даъват ҳар бир совет меҳнатчисининг қалбига сингиб кетди. Қишлоқ ва шаҳарларда, айрим ишлаб чиқариш участкаларида ва бутун-бутун соҳаларда кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа натижасида барча иттифоқдош республикалар йилнинг биринчи ярми планини ошириб бажардилар, мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам асослар яратиб берилди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Депутат ўртоқлар!
Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Мен юксак ва фахрий вазифани — Россия Совет Федератив Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги ордени топшириш вазифасини бажаришга муяссар бўлганлигимдан ғоят мамнунман. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан сизларни ва сизлар орқали Совет Россиясининг барча меҳнаткашларини Ватаннинг муносиб мукофоти билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Азиз ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг илтимосини бажариб, ана шу шонли воқеа муносабати билан унинг кизгин кутловларини республика меҳнаткашларига етказаётганлигим мен учун жуда ёқимлидир! (Давомли қарсаклар).

Шонли юбилей — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан вужудга келган Халқлар дўстлиги ордени Россия Федерациясининг байроқларини безатиб турган юксак давлат мукофотлари орасида ҳақли суратда муҳим ўрин олади. Бу орденларнинг жилосида ер курраси вужудга келган янги ҳаёт манзарасини, партия ва халқ ғояларини тантанасини. Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари босиб ўтган улкан йўлнинг босқичларини кўрамиз. Бу йўл миллатлараро Ватанимизнинг улуғ рус халқига унинг тарихий жасорати учун, улуғ мақсадимиз йўлида ўз зиммасига олган катта меҳнати ва ғамхўрлиги учун, совет Ватанини ривожлантиришга қўшган ҳақиқатан бебаҳо ҳиссаси учун чексиз миннатдорчилиги ўз ифодасини топди. (Давомли қарсаклар).

Россиянинг олган орденлари қаторида иккита Ленин ордени биринчи ўринда турибди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси ва йўлбошчиси, жаҳон тарихида янги даврнинг, инсоннинг социал янгилаш даврининг бошланиши номи билан чамбарчас боғланган кишининг порлоқ образи мамлакатнинг олий мукофотида мангу тасвирланган.

РСФСР байроғидаги Октябрь революцияси ордени марксизм-ленинизм ғояларининг зафарли кучи, эксплуататорларнинг кўп аср давом этган ҳукмронлиги емирилганлиги, меҳнат аҳли озод бўлиб, ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб қолганлиги, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишдаги мардлик ва қаҳрамонлик рамзидир.

Россия Федерацияси мукофотлари хазинасига узвий равишда қўшилган Халқлар дўстлиги ордени янги коммунистик маданиятни вужудга келтириш йўлида мақсад ва манфаатларнинг бирлиги билан жипслашган турли миллатлар меҳнаткашларининг улуғ қардошлигини мужассамлаштиради.

Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги меҳнат ва жанг майдонларида чиниқди, унинг мустаҳкамлиги кўп марта синовдан ўтди, бу дўстлик синовларга кетма-кет бардош бериб, мустаҳкамланди ва эндиликда бутун жаҳонга барча миллат ва барча ирқларга мансуб меҳнаткашларнинг келажакдаги муносабатлари намунаси бўлиб қолди. «Бу дўстлик, — деган эди Л. И. Брежнев, — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, социализмнинг ҳар бир совет кишиси қалбидан жой олган энг азиз ва энг катта ғалабаларидан биридир. Биз, совет кишилари бу дўстликни ҳамиша кўз қорачиғидек асраймиз». (Қарсаклар).

Кўп миллатли Совет давлатининг ярим асрлик юбилейи СССР ташкил топишининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини яна бир марта тасдиқлади. Бу юбилей байрами Ленинча миллий сиёсат тантанасининг, ҳар бир республика ва бутун совет халқи эришган буюк муваффақиятларининг ёркин намойишига айланди. Хуллас, қардош халқларимизнинг ҳаммаси ўша кунларда бамисоли катта оилавий кенгашга тўпланиб, ўз она Ватани олдида, партия олдида, республикаларнинг улуғ иттифоқи олдида сўз беришган эди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Россия Федерацияси билан бир вақтда барча иттифоқдош республикалар, шунингдек, автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округлар Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Бу —уларнинг Совет Социалистик давлатини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, халқлар ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаларига берилган юксак баҳо, уларнинг экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ютуқларини тақдирлашдир. Ўртоқлар, ҳозирги тантанали кунда мўътабар йиғилишимиз номидан Россия Федерациясидаги барча халқларнинг дўст оиласини, иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашларини ана шу мукофотлар билан қардошларча муборакбод қилишга ва уларнинг коммунистик қурилиш умумий иши учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилашга ижозат бергайсиз! (Қарсаклар).

Ўтмиш бўлиб қолган нарсаларнинг кўпи йиллар ўтган сари ўз таъсирини йўқотиб, сўна бошлайди, фақат тарихнингина мулки бўлиб қолади. Аммо замонга бўйсунмаган воқеалар ҳам бор. Бу воқеалар неча ўн йиллар ўтиши билан яна гавдаланиб, инсоннинг олдида ўзининг бутун улуғвор кўламлари билан намоён бўлади. СССРнинг — Совет республикалари давлат иттифоқининг ташкил топиши худди шундай воқеа бўлди. СССР мамлакатимиздаги барча халқларнинг Россия ишчилар синфи бошчилигида Коммунистик партия раҳбарлигида революцион ижодкорлиги натижасида вужудга кела олди. (Қарсаклар).

Россия Федерацияси бу иттифоқнинг негизи бўлди. Россия Федерациясида кўп миллатли давлат доирасида миллий масалани адолатли ҳал этиш соҳасида ғоят қиммат ли тажриба биринчи марта амалда қўлга киритилди. Бунинг ўз қонуниятлари, чуқур тарихий мантиқи бор. Халқларни бирлаштириш йўлидаги ҳаракат ришталари Россияда азалданоқ бир-бирига уланиб кетар эди. Бу ерда экономика, фан ва маданиятнинг жуда йирик ўчоқлари бор эди. Самодержавие истибдодининг бениҳоя оғир шароитларига карамай, Россиядаги прогрессив фикр яхши қисмат учун, социал ва миллий озодлик учун курашнинг жуда бой тажрибасини ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларида вужудга келган жамики илғор, чинакам халқ кучлари ҳамиша Россияга, рус халқига интилди.

Рус халқининг энг яхши фарзандлари кўпгина миллий хусусиятларни революцион ҳаракат билан чамбарчас боғлаб, ўз ақли, иродаси ва ғайратини мамлакатимизни социал жиҳатдан ўзгартириш ишига, бутун инсониятнинг тараққиёти ишига тамомила бўйсундирдилар. Шу аср бошларида Россия ишчилар синфи эксплуататорлик жамиятининг зулмига ва ҳуқуқсизлигига қарши курашда ташаббускор ва ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб қолди. В. И. Ленин Россия революцион курашининг боришини таҳлил этиб, башорат билан шу гапларни айтган эди: «Коммунистик революциянинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи жиҳатидан улуғ рус пролетариати ғоят буюк социалистик роль ўйнайди»... Россия Большевиклар партияси мамлакатимиз меҳнаткашларини пролетар революцияси ғалабасига олиб келди. Бошқа совет халқлари ўз оғаси деб атаган рус халқи мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларга бегараз ёрдам берди ва айни вақтда социалистик жамият қурилишида уларнинг ёрдами ва мададига таянди.

Совет Россияси мамлакатимиздаги барча республикалар билан қардошлик иттифоқида ривож топган социализмнинг баланд чўққиларига дадил кўтарилиб, тенг халқлар орасида биринчи бўлиб инсониятга коммунистик истиқбол сари бориш йўлини комил ишонч билан очиб бермоқда. (Қарсаклар).

Азиз ўртоқлар!

Янги жамият қуриш йўлида олга қараб қилаётган ҳаракатимиз беш йиллик босқичлари билан белгиланади. Бу босқичларнинг ҳар бирида муайян маррага эришиладиган ва айни вақтда бу марра янги мақсадлар учун курашда бошланғич нуқта бўлиб қолади. Тўққизинчи беш йилликнинг ярмидан ўтилди. Бу йилларнинг умумий якунлари, ютуқларимиз ва камчиликларимиз, беш йилликнинг иккинчи ярмида партия халқ хўжалиги олдига қўйилган конкрет вазифалар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг якинда қардош Украина ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтида ва Киевда партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқларида батафсил таҳлил этилди. Мамлакатнинг иқтисодий потенциали тўхтовсиз ошиб бормоқда, бутун хўжаликнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, фан ва техниканинг илғор ютуқлари ишлаб чиқаришга муваффақиятли суратда жорий қилинмоқда.

Советлар мамлакатининг экономикаси беш йиллининг ҳал қилувчи учинчи йилида шаҳдам қадамлар билан олга бормоқда. Партиянинг 1973 йилги зарбдор меҳнат йилига айлантирайлик деган даъватини бутун халқимиз астойдил қўллаб-қувватлади. Бу даъват ҳар бир совет меҳнатчисининг қалбига сингиб кетди. Қишлоқ ва шаҳарларда, айрим ишлаб чиқариш участкаларида ва бутун-бутун соҳаларда кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа натижасида барча иттифоқдош республикалар йилнинг биринчи ярми планини ошириб бажардилар, мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам асослар яратиб берилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

30 июль куни Қримда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбарларининг дўстона учрашуви бошланди. Учрашувда қардош мамлакатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинмоқда.

Учрашув ўз ишини давом эттиради.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ!

ҚОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!

● РЕСПУБЛИКАМИЗГА МУСОБАҚАДОШ ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕЛИШМОҚДА. УЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БИР ҚАТОР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИНИ ТЕКШИРАДИЛАР. ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АНЪАНАЛАРИГА АСОСЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ШАРАФИГА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА ТУРИБ ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК!

● АВГУСТ — ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ. ҲОСИЛНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ — 60-70 ПРОЦЕНТИ АВГУСТ ОЙИДА ТУПЛАНАДИ. ҒЎЗАЛАРНИ АВГУСТ ОЙИДА ҚОНДИРИБ СУҒОРАЙЛИК. УСИШ ВА РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА ҚОЛГАН НИҲОЛЛАРНИ ТАБАҚАЛАБ ПАРВАРИШЛАЙЛИК!

● ҒЎЗАЛАРНИ «ШАРБАТГА» ҚОНДИРИНГ. ЧЕКАНКАНИ ҲАММА ЖОЙДА СИФАТЛИ ЯКУНЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ. КУСАК ҚУРТИ ВА БОШҚА ҒЎЗА ХАШАРОТЛАРИНИ ҚИРИБ ТАШЛАЙЛИК!

● ҲАР БИР ХЎЖАЛИК ВА ҲАР БИР БРИГАДАДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЮКСАК АГРОТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИ ВА МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК. МЕҲНАТДАГИ УЛКАН ЮТУҒИМИЗ БИЛАН МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАРИМИЗНИ КУВОНТИРАЙЛИК!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

Л. И. БРЕЖНЕВГА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. В. ПОДГОРНИЙГА

СССР Министрлар Советининг Раиси

А. Н. КОСИГИНГА

Мен Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва бош министри қилиб сайланишим муносабати билан Сиз жаноб олийларга йўллаган дўстона мактубингиз учун ўз номимдан ва ўз хизматдошларим номидан чуқур ташаккур изҳор қиламан. Ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён Афғонистон билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида саодатли давом этиб келаётган қадимий дўстона муносабатлар кун сайини тағин ҳам мустаҳкамланиб боради ва мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги самарали ҳамкорлик халқларимиз манфаатлари йўлида ва умумий тинчлик манфаатлари йўлида янада ривожланади, деб умид қиламан.

Совет Иттифоқининг Афғонистон Республикасини биринчи бўлиб таниш ҳақидаги қарори менда, менинг шерикларимда ва Афғонистон Республикаси халқида миннатдорчилик ва ташаккур хис-туйғуларини вужудга келтиради.

Шахсан ўзимнинг ва ўз хизматдошларимнинг дўст ва қўшни давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги муваффақиятларга эришувини, шунингдек Сизларга сиҳат-саломатлик истаб изҳор этган тилакларимизни қабул қилгайсиз.

Муҳаммад ДОВУД.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТА ОСИЁ ПАРОХОДЧИЛИГИНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрта Осиё республикалари учун халқ хўжалик юклари ташишни ривожлантиришда эришган муваффақиятларини тақдирлаб, Амударёда кемалар қатнови очилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан СССР Денгиз флоти министрлигининг Ўрта Осиё пароходчилиги Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил 31 июль.

КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАН ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Боши биринчи бетда).

Россия Федерацияси умумдавлат вазифаларини ҳал этишга, экономикани ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Россия Федерацияси шонли меҳнаткашларининг ишлари ва зафарлари статистика маълумотлари лўнда сатрларидан яққол кўриниб турибди. Буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан берилган ярим йиллик топшириқлар ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди, транспортнинг ҳамма турларида юк ташиш анча ортди, чакана товар оборота ва аҳолига маиший хизмат ҳажми кўпайди.

Меҳнат унумдорлигини доим оширишни таъминлаш, иқтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳозирги шароитда ошириш хўжалик қурилишининг ҳар қачонгидан кўра ғоят муҳим масаласидир. Бинобарин, кейнги ярим йил ичида Россия Федерацияси саноатида меҳнат унумдорлиги планда мўлжалланган 5 процент ўрнига 5,5 процент ортганлиги каби факт бизни жуда мамнун қилади. Бу нарса амалда нимадан далолат беради? Шундан далолат берадики, РСФСРда маҳсулот ўсишининг 84 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Бундай кўрсаткичлар жиддий ташкилотчилик иши, корхоналарни техника билан кўпроқ қуроллантириш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишни тобора такомиллаштириш туфайли ва, албатта, ижодий, фидокорона меҳнат туфайли қўлга киритилди. Россия Федерациясининг меҳнаткашлари бундан буён ҳам фан-техниками тараққий эттириш учун, ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш учун курашнинг олдинги сафларида боражакларига шак-шубҳа йўқ. (Қарсаклар).

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштириш учун кўп меҳнат қилдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма қисмида дон экилари ўрим-йиғими қизиб кетди. Шимолий Кавказ ва Волга бўйи, Сибирь ва Урал, марказий қора тупроқ областларининг бепоён далаларида ва Россиянинг бошқа экинзорларида деҳқонларнинг қаҳрамонона ғайрати билан етиштирилган янги ғалла ҳосили учун, ҳар бир бошоқ учун, ҳар бир дон учун умумхалқ кураши давом этмоқда. Азиз ўртоқлар, бизнинг ажойиб механизаторларимиз, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари, хуллас, ҳозирги кунда ҳосил учун курашаётган барча кишилар яна бир марта меҳнат ғалабасига эришадилар, деб ишонч билдиришни истайсан киши (Қарсаклар).

Биз беш йилликнинг ўтган ярмида ютуқ ва муваффақиятларга эришишгина қолмадик. Ҳаёт ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча масалаларни ўртага қўйди, бир қатор камчиликларни очиб берди. Бу камчиликларни бартараф қилишимиз лозим. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи, ҳар бир меҳнатчи зўр ғайрат-шижоат билан ишлаганидагина умуман беш йиллик плани бажариш имконияти туғилади.

Партия экономикани ривожлантириш, социалистик ишлаб чиқаришни такомиллаштириш вазифаларига катта эътибор бермоқда. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш, КПСС XXIV съезди белгилаб берган беш йилликнинг социал программасини бажариш масалалари ҳам доим партиянинг диққат марказида турибди. СССР Олий Советининг яқинда тамом бўлган олтинчи сессияси ишида ҳар бир оилага таллуқли бўлган масала—мамлакатда халқ маорифини янада ривожлантириш йўллари тўғрисидаги масала асосий ўрин олди. Ҳокимият олий органи қабул қилган ва совет таълим системасининг асосий принципларини қонуний тартибда мустаҳкамлайдиган қарорлар ёғларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш соҳасида қўйилган катта қадам бўлиб, Коммунистик партия ва Совет давлати совет кишиларининг манфаати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини исбот этувчи янги далилдир.

РСФСР Олий Советининг шу сессиясида маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Бу масала ҳам беш йилликнинг социал программасини бажариш вазифаларига тамомила боғлиқ қилиб қўйилди. Муҳим тадбирлар белгиланди ва эндиликда бу тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш лозим. Бу соҳада янгидан сайланган маҳаллий советлар, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялари ва албатта халқ сайлаган вакиллар — Советларнинг депутатлари ҳам кўп иш қилишлари керак. Ўртоқлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш проблемаси каби проблема умумдавлат проблемаси, умумхалқ вазифаси даражасига кўтарилаётганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Бу проблема давлат ҳокимиятининг олий органида муҳокама қилинмоқда. Социалистик жамиятнинг моҳияти ҳам шундан иборатки, меҳнаткашларнинг манфаатларига таллуқли бўлган ҳар қандай масала барча партия ва совет органларининг доим диққат марказида туради. Инсон тўғрисида, унинг турмуш шароитлари ва ишлари, жисмоний ва маънавий камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш—Коммунистик партия ва Совет давлати фаолиятининг асосий йўналишларини доим белгилаб келди ва белгиламоқда! (Давомли қарсаклар).

СССР ва РСФСР Олий Советларининг сессиялари, Украина меҳнаткашлари вакилларининг яқинда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши, партия-хўжалик активларининг йиғилишлари, меҳнаткашларнинг жуда кўп йиғилишлари партия ишлаб чиқаётган ва унинг раҳбарлигида амалга оширилаётган энг муҳим тадбирларни совет кишилари тўла-тўкис маъқуллаётганлигини яна да зўр куч билан исбот қилди. Кўп киши қатнашган ана шу нуфузли анжуманлар бепоён Ватанимизнинг ҳамма қисмида ҳукм сураётган яқдиллик муҳитини, меҳнаткашларнинг КПСС ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагидаги монолит жипслиги муҳитини яққол акс эттирди. (Давомли қарсаклар).

Совет жамиятининг социал-сиёсий бирлиги «самовий эҳсон» эмас, албатта. Бу бирлик—янги формация кишисини тарбиялаш соҳасида КПСС олиб борган чинакам буюк, кўп қиррали фаолиятининг натижасидир. Марксизм-ленинизм ва Марксизмнинг одамлар ўзлари ва ўзларини ва ўзларини ва ўзларини

МИРЗАЧЎЛ ТАЖРИБАСИ

ДЎСТЛИК. [«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан]. Ленин номли совхоз пахтакорлари машиналар ёрдамида ғўза чеканкасини тугалладилар. Агротехниканинг бу муҳим тадбирини ўз вақтида ва сифатли ўтказишда Қ. Аҳмедов, К. Алишеров, А. Равшанов, Р. Сотибоев каби моҳир механизаторлар жонбозлик кўрсатишди. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида она-Ватанга 12 минг 600 тонна «оқ олтин» армуғон этишга бел боғлаган машъал хўжалик деҳқонлари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 30 центнерга етказишга, 100 процент ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Пахтакорлар юксак аҳдга яраша ҳосил тўплаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 5-6 тадан кўсак бор. Совхоз бўйича ғўзаларга учинчи комплекс ишлов берилмоқда.

Шунингдек, Қосим Раҳимов номли 13- қўриқ совхозининг Мамат Қулжонов ва Турдибой Бойжуродов ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган 5- ва 6- бўлимларида ҳам ғўзани чеканка қилиш муваффақиятли тугалланди.

— Далаларимизда 30 га яқин ғўзани чеканка қилиш агрегати муваффақиятли ишлатилмоқда, — дейди совхоз директори М. Ўролов. — Биринчи марта ҳамма майдонлар машиналарда чеканка қилинмоқда. Бу ҳамма майдонда ғўзанинг бир пайтда етилишини таъминлайди. Ғўза дефолиацияси учун ҳам бу ниҳоятда муҳимдир.

Сирдарё областининг ўнлаб илғор хўжаликлари бу йил 100 процент ҳосилни фақат машиналар ёрдамида териб олиш, йиғим-теримни «Дала — бункер — тележка — пахта пункти» схемасида ташкил этишга қарор қилганлар. Пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлида ажойиб ютуқларга эришган Ленин номли, Қосим Раҳимов номли, Саркисов номли, «Самарқанд», «Фарғона», «Правда», «Пахтакор», Герман Титов номли хўжаликлар ана шу бебаҳо тажрибани муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ГУЛИСТОН» СУВНИ БОШҚАРАДИ

Киров номли Шимолий Мирзачўл каналида ўрнатилган «Гулистон-1» телеавтомат системасининг биринчи навбати ишга туширилди. Дастлабки ўн учта пост бошқариш марказий пультига уланди. Бу постлар каналда сув сатҳи тўғрисидаги, сувнинг суғориш шоҳобчаларига тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни узатиб туради. Диспетчер ана шу маълумотларга асосланиб, кнопкани босиш йўли билан тўсиб турган ишшоотларда пўлат дарвозларни кўтаради ёки туширади. Диспетчер шу тариқа Мирзачўлда ва қўшни Қозоғистонда пахтазорларни суғориш ишини бошқариб туради.

Киров номли канал мамлакатимизда ирригация қурилишининг тўнғичидир. Анча кенгайтирилиб, реконструкция қилинган бу сунъий дарё ҳозир икки юз минг гектар экинзорга, боғ ва токзорларга секундига 230 куб метр сув беради. Ана шу кўҳна канал биринчи бўлиб комплекс автоматикага эга бўлади. «Гулистон» телеавтоматика системасини тўла-тўкис монтаж қилиш ишлари келгуси йил тугалланади. Бу телеавтоматика системасини москвалик конструкторлар яратган бўлиб, у ўз ишига олтмишта постни олади.

ДОИМИЙ САҚЛАШ УЧУН

Пастдарғом районидаги «Улус» совхозининг комбайнчиси Х. Тилавов ғалла ўрим-йиғимида энг юқори кўрсаткичга эришди. У 30 иш кунида 454 гектар майдондаги ғалланы ўрди, 272 тонна буғдой ва арпани янчди. Механизатор меҳнат қилаётган хўжалик ўримни тугаллаб, тайёрлов пунктига плондан ташқари ғалланинг сўнгги карвонларини жўнатмоқда.

Х. Тилавов ўрим-йиғим бошидан буён кўпма қизил вимпелни ўз қўлида сақлаб келмоқда. Касаба союзлари Самарқанд область совети, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳамда область совхозлар трести кенгашининг қарори билан бу вимпел доимий сақлаш учун илғор комбайнчида қолдирилди.

Жомбой районидаги «Ленин обод» колхозининг комбайнчиси М. Отаёров ҳам ғалла ерларидаги ғаллани ўришда жуда яхши натижаларга эришди. У 205 гектар майдондаги бошоқли экинларни ўриб, 155 тонна донни янчди. Механизатор ўрим-йиғимининг дастлабки кунларидаёқ тез суръатлар билан ишлаб, ўрим-йиғим охиригача сўрватни пасайтирмади. Вимпел доимий сақлаш учун шу комбайнчида ҳам қолдирилди.

(ЎзТАГ).

Хоразм области. Қўшнўпир районидаги Калинин номли колхозининг У. Ҳасанов бошлиқ комплекс механизациялашган пахтачилик бригадаси коллективи янги ўзлаштирилган ерларда гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Бригаданинг моҳир механизатори Султонбой Вафоев ўз бурчини садоқат билан ўтаб, ғўза ниҳолларини сифатли парвариш қилишга эришмоқда.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

Бухоро области. Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари она-Ватанга 11 минг тонна дурдона етказиб бериш учун курашмоқдалар. Шундан 4800 тоннасини ингичка толали пахта ташкил этади. Колхоз деҳқонлари август ойида ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида ўтказиб, ҳосилга икки баравар ҳосил қўйишга интилишмоқда. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Ҳанифа Жумаева ва илғор бригада бошлиғи Нарзулла Муҳаев ўртоқлар ғўзалар ривожини кўздан кечиришмоқда.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. МИРЗААҲМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш ташкилий тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги катта иши учун Андижон область ижроия комитети раисининг ўринбосари, табиатни қўриқлаш жамияти область бўлимининг раиси Маннобжон Мирзаахмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 31 июль, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. А. БЕДЕРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ГЕОЛОГ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш ташкилий тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги катта хизматлари учун илмий-ишлаб чиқариш гидрогеология бирлашмаси илмий-техника ахбороти бўлимининг мудири Борис Александрович Бедерга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 31 июль, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. И. ИЛЬИНСКИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ВРАЧ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш ташкилий тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги катта иши учун Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти сув ва тупроқ лабораториясининг мудири Игорь Ойлевич Ильинскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 31 июль, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми табиатни қўриқлаш соҳасидаги ишларда актив қатнашганликлари учун М. З. Абдурашидов, Х. Орипов, Д. Ю. Аҳмедова, Ҳ. С. Аҳмаджонова, Х. Деҳқонов, Н. Жамолова, Ф. Иноятов, М. С. Курмаев, А. Мамажонов, Е. И. Пак, Т. Р. Сафаров, С. Турсунов, Л. Н. Фатеева, Т. Чориев ва К. Шариповни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«РАССОМ БЛОКНОТИДАН»

Шундай сарлавҳа билан берилган фотоайбномада («Совет Ўзбекистони», 1973 йил, 29 май), Наманган шаҳридаги баъзи корхоналарда технология ускуналари ва механизмлардан фойдаланишга эътиборсизлик билан қараладиганлиги ҳақида сигнал берилган эди.

Наманган шаҳар партия комитети редакцияга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган: «Хабар тегишли саноат корхоналари ишлаб чиқариш йиғилишларида кенг муҳокама қилинди ва бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, бадиий буюмлар фабрикасида 3119 сўмлик технологик ускуналар жиҳозлаб бўлинди. 15-гишт заводида 72.951 сўмлик машина-ускуналар монтаж қилинмоқда ва бу иш тез кунда ниҳоясига етказилади. Шаҳардаги мебель фабрикаси, пиво-лимонад ҳамда консерва заводларида ҳам машина-механизмларни монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди».

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МОСКВА КОНГРЕССИ ОЛДИДАН

СОФИЯ, 31 июль. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик кенгашининг аъзоси Г. Пириński «Работническо дело» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Тинчликсевар кучларининг Москвада ўтказиладиган жаҳон конгрессига тайёргарлик ишлари Совет Иттифоқининг изчил ижобий сиёсати ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг социалистик мамлакатлар ҳамда Европадаги барча тараққийпарвар ва реалистик фикр юритувчи кучлар қўллаб-қувватлаши билан қилган шахсий хизматлари туфайли жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берган бир вазиятда олиб борилмоқда.

Автор Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ ва Францияга қилган визитлари халқаро муносабатларда ана шундай бурилиш ясалганлигига ёрдам берганлигини ва бу визитлар ҳақиқий суратда тарихий воқеа деб аталганлигини таъкидлайди.

ЛУИС КОРВАЛАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

САНТЬЯГО, 30 июль. (ТАСС). Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан партия Марказий Комитетининг бу ерда тамом бўлган пленумида сўзлаган якунловчи нутқида қуйидагиларни айтди: республика президентининг ҳарбий-денгиз адъютанти, биринчи ранг капитан Артуро Арайа ўлдирилганлиги тасодифий бир ҳол бўлмай, ҳукуматни ағдариб ташлаш ва мамлакатда ўзаро қирғин урушини чиқариш ниятида бўлган кимсалар қўпорувчилик ҳаракатлари кучайиб бораётганлигининг бир қисмидир. Луис Корвалан реакциянинг террорчилик ҳаракатлари кучайиб бораётганлигини кескин танқид қилди. Террорчилар кейинги вақтларда кўпгина коммунистларга хат ёзиб, телефон қилиб, ўч олиш билан дўқ қилмоқдалар. Илгари ҳукмронлик қилиб келган синфларнинг бир қисми фашистик террор йўлига ўтиб олганлиги ана шундан кўриниб турибди, деб таъкидлади Компартиянинг Бош секретари.

Луис Корвалан юк транспорти эгаларини кескин қоралади ва оммавий меҳнат соҳасида ортирилган тажрибадан фойдаланиб, оммавий ташкилотлар фаолиятини максимал равишда активлаштиришга чақирди. Компартиянинг Бош секретари шу муносабат билан Чили коммунистлари президент Сальвадор Альенде ва халқ ҳукуматини ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганликларини тасдиқлади.

Компартиянинг Бош секретари шуни таъкидладики, Чили революциясини амалга ошириш учун олигархияга ва империализмга қарши революцион туб ўзгартишлар учун, мамлакатда социализм қуриш йўлини очиш учун кураш йўли экканлигини воқеаларнинг бориши исботлаб турибди.

МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

ПАРИЖ, 30 июль. (ТАСС). Франция Миллат мажлисининг раиси Эдгар Фор ўзининг СССРга қилган расмий визити муносабати билан Франция телевидениесининг биринчи программаси орқали гапириб, Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни кенг миқёсда ривожлантириш зарурлигини айтди.

«Биз тинч-тотув яшашнинг янги босқичига қадам қўймоқдамиз, деди Эдгар Фор. — Ҳозир гап, хусусан, ташқи савдо соҳасида чинакам ҳамкорлик қилиш тўғрисида бораётир».

Франция миллат мажлисининг раиси СССР билан ГФР ўртасидаги ёки СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши Франция — Совет ҳамкорлигининг катта аҳамиятини асло камаятирмаслигини таъкидлаб ўтди.

Эдгар Фор гапининг охирида Франция билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш унинг ўзида «катта умид» уйготаётганлигини уқтириб ўтди.

АҚШДАГИ КУБА ВИСТАВКАСИ ТЎҒРИСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 30 июль. (ТАСС). Бу ерда Монкада казармаси штурм қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб очилган «Экспо — Куба» виставкаси вақтинча ёпилди. Виставканинг ташкилот комитети у яқин вақт ичида ўз ишини давом эттиришини маълум қилди.

Маълумки, Куба экспозицияси Нью-Йорк марказидаги Мартин Лютер Кинг номидаги касаба союз маркази биносида жойлаштирилган эди. Озодлик оролининг халқи социалистик қурилишда эришган ютуқлари тўғрисида китоблар, фото суратлар ва ҳужжатли фильмлар орқали ҳаққоний ҳикоя қилиб бериш америкаликларда зўр қизиқиш туғдирди. Бу эса кубалик контрреволюционерларнинг ғазабига ғазаб қўшди. Улар виставка ишига ҳалақит бермоқ учун бир неча марта террористик ҳаракат уюштирдилар. Фашист безорилар 25 июлда касаба союз марказида бомба порлатиб, хизматчилардан бирини оғир ярадор қилдилар ва бинога жиддий моддий шикаст етказдилар.

АФРИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КУНИ

Того хотин-қизлар миллий иттифоқининг раиси Жизель Жондо ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди: «Того хотин-қизлари Африка хотин-қизлари кунини байрам қилиш арафасида мустамлакачилик зулми остида азоб чекиб ётган африкалик опа-сингилларимиз билан тўла бирдам эканликларини билдирдилар ҳамда апартеид ва ирқий камситишнинг барча формаларини қаттиқ қоралайдилар».

«Бизнинг ташкилотимиз, — деди Ж. Жондо, Африка хотин-қизлари кунини Ломе кўчалари бўйлаб байрамона юриш билан, бир қанча конференциялар ва семинарлар ўтказиш билан, халқ рақс ансамбларининг концертлари билан нишонлайди».

Того хотин-қизлар миллий иттифоқи хотин-қизларга жамиятда ўз ўрнини топишга, мамлакатнинг иқтисодий ҳамда социал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга ёрдам беришга қаратилган, деб таъкидлади Того хотин-қизлар миллий иттифоқининг раиси. (ТАСС).

АМЕРИКА КОСМОНАВТЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ

НЬЮ-ЙОРК, 30 июль. (ТАСС). Америка космонавтлари А. Бин, О. Гэриот ва Ж. Лусма кеча «Скайлэб» орбиталь станциясини консервация қилиш ва станцияни миллий тадқиқотлар учун тайёр ҳолга келтириш ишларини давом эттирдилар. Хьюстондаги бошқариладиган космик кемалар марказидан хабар беришларича, бу ишлар программада кўзда тутилганига нисбатан бир мунча секин олиб борилмоқда. Космонавтлар ўтган шанба куни «Аполлон» космик кемасидан станцияга ўтганларидан сўнг тез орада «бехузурлик» сезабошлаганликлари бунга сабаб бўлган. Парвознинг медицина раҳбари П. Бьюкененнинг айтишича, дастлабки 1-2 сутка давомида вазиятлик ҳолатида одатда бош айланиши ва ўқчиш мумкин, шунинг учун ана «ҳунчалик ташвишланмаса ҳам бўлади».

Касаллик аломатлари юз берганлиги туфайли космонавтларга бугун дам олиш тавсия этилди.

АФҒОНИСТОНДАГИ АҲВОЛ

ҚОБУЛ, 30 июль. (ТАСС). Афғонистонда республика тузуми ўрнатилганидан кейин мамлакатдаги аҳвол тамомила нормаллашиб, ўз маромига кирди. Хабар беришларича, Афғонистон Республикасининг марказий комитети хозирги вақтда ҳукуматни тузиш соҳасида иш олиб бормоқда.

Газеталар жаҳондаги кўп давлатлар ёш республикани танилганлиги тўғрисида батафсил хабар бериб, Совет Иттифоқи бу республикани биринчи бўлиб танилганлигини таъкидламоқдалар.

УЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ТЎКИН ДАСТУРХОН

Колхоз қишлоғи тонгдан ҳам барвақт уйғонади: серфайз далалар бирдан гавжумлашиб кетади. Соҳибкорларнинг қўлиқўлига тегмайди. Биров помидор теради, бодринг узаётган бўлса, яна биров сабзи ва картошка кавлаяпти, бошқалар эндигина йиғиштириб олинган сабзавот ва меваларни яшикларга жойлаб, транспортга юклаяпти. Ноз-неъмат ортган турнақатор машиналар шаҳар томон ошиқади. Кўчалар тўлиб-тошиб кетади. Ҳа, сабзавот карвони катта йўлга чиқди.

— Қаердан? — сўрашади одамлар.

— Генерал Собир Раҳимов номли колхоздан, — дейди карвонбоши шофер фахрланиб.

— Қўли дард кўрмасин деҳқоннинг. — гап қотади нуроний бир отахон миннатдорчилик билдириб, — ҳар куни саҳарлаб бизнинг ташвишимизда улар. Кунда рўзғор учун керакли сабзавот, мева-чевани барвақт харид қилиб, қуёш қиздирмасдан уйимга қайтаман. Кўпинча шу колхоз ноз-неъматларидан баҳраманд бўляпмиз.

Кимдир қўшиб қўйди:

— Азаматлар чиндан ҳам қуёшдан ўзиб меҳнат қилишяпти-да, отахон.

— Тўғри айтасиз ўғлим, деҳқонлар шу кеча-кундузда қуёшдан ҳам ўзиб ишлашяпти, офарин!

Харидорларнинг бу гапларида жон бор. Калинин районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз деҳқонлари пойтахт аҳолисини янги узилган сабзавот ва мева-чева билан таъминлаш мақсадида кунни-тунга улаб меҳнат қилишяпти.

Далаларда сабзавот, боғларда мева, токзорларда узум чунонам мўл бўлдики, ҳеч қачон бунчалик ҳосилни деҳқон кўрмаган. Олма топшириш плани аллақачонлар ошириб адо этилганлиги бунга гувоҳ. Шаҳарликлар дастурхонига 180 тонна ўрнига 206,5 тонна қизил олма тортиқ этилди. Ҳозир пландан ташқари олма жўнатилиб турибди. Чиллаки узумдан сўнг ҳусайни ҳам қуёшга юз тутиб пиша бошлади. Дастлабки тонналар пойтахт аҳолиси дастурхонига тортиқ этилди. Яна бир неча кундан сўнг узумнинг бошқа сортлари шаҳарга жўнатилади. Колхоз 480 тонна хилма-хил узум етиштириб, шундан 260 тоннасини меҳнаткашларга етказиб беради.

Сабзи-пиёз, помидор-бодринг, карам ва картошкадан ҳам мисли кўрилмаган даражада юқори ҳосил етиштирилди. Планда кўзда тутилган 720 тонна ўрнига 880 тонна карам топширилиб, бу соҳадаги план ортиғи билан бажарилди. Ҳозиргача саноат корхоналарига етказиб берилган бодринг қариб 300 тоннага етди. Тагин 30 тонна бодринг топширилса, йиллик план уддаланади.

Колхоз соҳибкорларининг катта карвонини етаклаб бораётганлар бу ерда жуда кўп. Лоақал Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Сайдалиев бошлиқ бригадани олайлик. Аҳил коллективнинг 109 гектар экин майдони бор. Шу ерлар ҳар йили кузда чуқур шудгор қилинади, минерал ҳамда маҳаллий ўғитларга қондирилади. Баҳор келиши билан-оқ бороналаниб, сабзавот — карам, бодринг, картошка экилади. Шундан сўнг ҳар туп кўчат қалб кўри билан парвариш қилинади. Экинларнинг сувидан, озуқасидан мудом хабар олиб турилади. Натижада ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, ҳозиргача ҳар гектар ердаги карамдан 30 тоннадан ошириб ҳосил йиғиштириб олинди, гектар бошига топширилган картошка 13 тоннадан ошиб кетди. Пиёз, бодринг тайёрлаш топшириқлари ҳам маромида бажариляпти. Депутат бошлиқ бригада сабзавот тайёрлаш йиллик планини ва социалистик мажбуриятини октябрь байрамига қадар тўла-тўкис адо этишга аҳд қилган.

Мусобақалашиб ишлаётган бригадаларнинг кўрсатгичлари киши диққатини ўзига тортади. Абдулхай Абдуазизов ҳамда Содиқ Сиддиқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг маҳсулот топшириш бўйича кўрсатгичларини таққослаб кўрсак, мусобақанинг нақадар катта кучга эга эканлигини кўрамиз. Абдуазизов бошлиқ бригада 3 гектар майдондан 41 тонна бодринг топширган бўлса, Сиддиқов бригадаси — 45 тонна бодринг сотди. Сиддиқов бошлиқ бригадада ҳар гектар ердан плондаги 11 тонна ўрнига 17,5 тоннадан сабзи олинган бўлса, Абдуазизов бригадасида бу кўрсатгич 16 тоннани ташкил этди. Хулласи, сабзавотнинг бошқа турлари бўйича ҳам бригадалар орасида анчагина тафовут бор. Ҳар иккала бригада ҳам эл дастурхонига ноз-неъматлар етказиб бериш бўйича хўжаликдаги пещқадам коллективлар сафидан ўрин олган.

Сабзавот етиштириш ва тайёрлашда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган кишиларнинг номларини тилга олмасдан мумкин эмас. Мана улар: механизатор Тошпўлат Рихсиев, сувчилардан Сандвали Усмонов, Файзулла Илҳомов, колхозчилардан Бўринисо Эргашева, Қаюм Розиқов, Мунира Рихсиева, Қўчқор Абдурасулов... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин шаҳар аҳолиси гамида ноз-неъмат етиштириш учун меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатаётган соҳибкорларнинг ҳаммаси ҳам қутлуғ ишга муносиб ҳисса қўшаётган экан, шу кичик мақолада барчасининг номини сиғдириш қийин. Ҳар бир килограмм, центнер, тонна маҳсулотда бутун меҳнат аҳлининг қуч-ғайрати мужассамлашган.

Сабзавоткорлар ердан оқилона фойдаланиш туфайли маҳсулот етиштиришда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Бир ердан ҳар йили икки марта ҳосил олиш мақсадида бир гектар майдонда ишком усулидаги теплица қурилиб, усти полиэтилен пленка билан ёпилган эди. Ана шу теплицада 4 миллион туп помидор ва 2 миллион туп карам кўчатлари ўстирилди. Шунча миқдордаги кўчат 130 гектар ерга етди. Апрель ойида эса теплица устидаги пленкалар олиб ташланиб, ўрнига помидор экилди. Бу ерда бутун ёз бўйи помидор пишиб ётди. Яна шунисе қулайки, бир гектар ерда ишком усулида теплица қурилиб, усти пленкалар билан ёпилган тақдирда бор-йўғи 40 минг сўм сарфланади. Бошқа усул билан теплица қурилишига эса 677 минг сўм харажат қилинади. Шу иккала рақамдан ҳам полиэтилен пленкали теплицалар нақадар катта афзалликларга эгалиги сезилиб турибди.

— Оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп ҳамда арзон маҳсулот етиштириш билан бирга,— дейди колхоз раиси Қўчқор Латипов, — сабзавот тайёрлаш беш йиллик планини 4 йилда бажаришга аҳд қилганмиз. Бунинг учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланяпмиз. Мақсадимиз — эл дастурхонини бундан буён ҳам тўкин-сочин этишдан иборатдир.

Биргина раисинг эмас, бутун меҳнат аҳлининг шиори ана шундай.

С. ҚОДИРОВ,
Я. ТУХТАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ПРОГРАММАЛИ ЎҚИТИШ

Кенг коридор бўйлаб, борар экансиз, ёниб-ўчаётган «Тартиб сақлансин, имтиҳон кетяпти» деган ёзувга кўзингиз тушади. Ҳонада сокинлик. Ўқитувчи кўринмайди. Имтиҳон залн такомиллаштирилган завод цехини эслатади. У ерга автомат ҳисоблаш машиналари ўрнатилган. Бу машиналар ҳар бир студентнинг қобилиятини синовдан ўтказишга мўлжалланган.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ҳисоблаш маркази ташкил этилган. Унга бириктирилган профессор-ўқитувчилар Москва олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Москвалик олим, Ленин мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори В. Г. Болтянский раҳбарлигида институт ўқитувчиларидан бир группаси «Урал-12» ҳисоблаш машинасига автоматик йўл билан уланган ўқитув машинасининг конструкциясини яратдилар. Ўтган йили янги ўқитув машинаси ишлаб чиқарилди.

Ҳозиргача ҳисоблаш марказининг мудири Неъмат Зокиров раҳбарлигидаги студентлар шу машина орқали темир йўл узелари, тепловоз деталларининг чидамлилигини ошириш, темир йўл қурилиши, хўжалик ҳисобини ишлаб чиқиш ва юритишга оид бир қанча тенгламаларни ечдилар. Ўқитишни ана шундай автоматик йўл билан олиб бориш бўлғуси инженерларнинг ўз ишига мустақил ёндашишда ғоят қўл келмоқда.

ЯНГИЛИКНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Шу йил физика кафедрасида студентларни телевизор орқали ўқитиш лабораторияси очилди. Лабораторияга 15 та «Электрон» телевизори ўрнатилган. У ерда икки юз студент лекция тинглайди. Ўқитувчи ўз кабинетидаги иккита телевизорнинг биринчисида заала ўтирган студентларни кузатса, иккинчисида ўзини-ўзи назорат қилиб туради.

Телевизор орқали машғулот олиб боришда ҳимоят кўп экан. Аввал икки юз студентни ўқитиш учун уч-тўрт ўқитувчи машғул бўлса, энди бу юмушни бир ўқитувчи амалга оширмоқда. Лаборатория мудири Р. Я. Смельянк Оренбург, Пенза шаҳарларидаги институтларда бўлиб, кўпгина янгиликларни ўрганиб қайтди. Ояғанг тажрибасини институт лабораториясини ташкил этишга сарфлади.

Институтда темир йўл ва депо ишчиларининг малакасини ошириш курслари ҳам ишлаб турибди. Биргина шу йилнинг ўзида 790 ишчи янги программа асосида ўз малакасини ошириб қайтди.

А. ФОЗИЛОВ.

ФЕСТИВАЛЬ КИТОБИНИНГ УЧИНЧИ САҲИФАСИ

БЕРЛИН, 30 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Фестивалнинг учинчи куни Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик учун курашаётган араб мамлакатлари халқлари ва ёшлари билан бирдамликка бағишланди. Люстсртен боғида кечқурун ўтказилган оммавий митинг бу куннинг хотимаси бўлди. Бу митингдан олдин Гумбольдт номли университет дарсхоналарида кўпгина учрашув ва мунозаралар, шунингдек, шаҳарнинг марказидаги очиқ эстрадаларда Миср, Жазоир, Ироқ ёшлари ва Фаластиндаги араб халқи вакилларининг миллий концертлари ўтказилди.

Халқаро студентлар клуби биносида ёш талантлар уйи очилди. Клуб аъзоларини, 120 мамлакат студентларининг вакилларини қандай проблемалар қизиқтирмоқда? Аввало, таълимни демократлаштириш, студентларнинг ҳуқуқлари учун кураш проблемалари, студентларнинг манфаатларини жаҳондаги барча демократик ёшларнинг манфаатлари билан бирга кўшиб олиб бориш проблемалари қизиқтирмоқда. XX асрда фан тараққиётига доир масалалар ҳам студентларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Фестиваль программасининг талайгина қисми олий ўқув юртларининг ўқиш жадвалига ўхшайди. Бу табиий бир ҳол: Берлинга келган ёшлар империалистик агрессия ва эксплуатацияга қарши муросасиз кураш каби оғир ишни ўрганмоқдалар, қаттиқ синфий жанглар тажрибасини сўзлаб бермоқдалар. Социализм мамлакатларидаги ёш авлод тарихда энг адолатли янги жамият қурилишида қандай қатнашаётганлиги тўғрисида улардан таълим олмоқдалар.

Фестивалнинг учинчи кунида касаба союз ташкилотлари ёш активларининг конференциялари, шунингдек, фан-техника революцияси проблемалари ва шу муносабат билан ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли масалалари билан шуғулланувчи йигит-қизларнинг конференциялари ўз ишини давом эттирди.

Бошқа кунлардагидек бугун ҳам Берлинда музика ва қўшиқ садолари янгради. Кўпгина очиқ эстрадаларда ва концерт саҳналарида фестивалнинг ҳамма қатнашчиларига манзур бўлган концертлар уюштирилди, турли мамлакатлардаги ёш санъат арбоблари биргаликда концерт беришди. ГДРнинг турли шаҳарларидан келган ёшлар ансамбллари ўзларининг бадиий программаларини ижро этишди.

Антифашист немис спортчиси Вернер Зееленбиндер номига қўйилган залда халқаро спорт клуби ўз ишини давом эттирди. Доктор кетган совет боксчиси, хизмат кўрсатган спорт мастери Борис Лагутин бу клубга бошчилик қилади. Шундан бир кун олдин Вернер — Зеленбиндер холлда сиёсий қўшиқлар конкурси бошланган эди. Бу конкурс бугун Берлиннинг кенг майдонлари ва парклари давом эттирилди. Немис ишчилар синфининг Б. Брехт ва Г. Эйслер ёзган, Э. Буш муваффақиятли ижро этган «Бирдамликни эсдан чиқармай, олға!» деган машҳур қўшиғи сатрлари бу конкурснинг шиоридир.

А. ГРИГОРЬЕВ,
Б. КРАЕВСКИЙ,
И. ДОБРОТИНА,
Н. СТЯЖКИН.

ОСИЁ ВА АФРИКА ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ОЛМАОТА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ДЎСТЛИК АРМУҒОНИ

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш гупроғида яшаётган халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий муносабатлар ғоят қадимий тарихга эга.

Инглиз мустамлакачилари истилоси даврида мамлакатларимиз ўртасидаги тўхтаб қолган маданий ва иқтисодий алоқалар мазкур халқлар мустақилликка эришгандан кейин яна жонланиб кетди.

Ҳиндистон халқларида Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, адабиёти ва маданиятига қизиқиш ҳозир ҳам жуда кучли. Ҳинд ёзувчиси Раҳул Санкритяён Садриддин Айнийнинг «Дохунда», Яшпал эса Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам» ва Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романларини ҳиндий тилига таржима қилганлар.

Ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасида дўстона ва маданий алоқаларнинг кенгайиши ва мустаҳкамланишида Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ҳам фойдали ишлар қилмоқда. Жумладан, ўзбек китобхонлари Рабиндранат Тагор, Бхабаний Бхаттачария, Премчанд, Аннабхау Сатҳе, Кришан Чандр, Саодат Ҳасан Минто каби кўпгина ҳинд ёзувчиларининг асарларини ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, нашриёт урду китобхонларини ўзбек адабиётининг йирик ва машҳур намояндалари асарлари билан таништириш ишини ҳам бошлаб юборди. Дастлаб Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» урду тилига таржима қилинди. Асар таржимонларидан бири Деҳли университети профессори, доктор Камар Раиснинг айтишича, «Кашмир қўшиғи» асосида Ҳиндистонда халққа кўп маълум бўлган опера яратилган. Доктор Камар Раис бундан ташқари Ғафур Ғуломнинг шеърларини ҳам урду тилига таржима қилган.

Урду адиби Содиқ Алишер Навоий ижоди ҳақида илмий асар яратган, покистонлик олим доктор Муҳаммад Содир Алишер Навоийнинг маснавийлари ҳақида асар ёзган. Ҳиндистонлик адабиётшунос Латиф Аҳмад ҳам ўзининг «Руслар фикри ва мутафаккирлари» китобида бир бобни Алишер Навоий ижодига бағишлаган. Асар муқаддимасида муаллиф бу китобини ҳинд-совет дўстлигига бағишлаб, бехад шоду хуррам бўлганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Муаллиф Россиядаги ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти ва эрксеварлик ҳаракатларининг наъзу намосини тасвирлаш билан ўз китобини бошлаган. Ҳинд адиби халққа зиё, нур сочишни, унинг кўзини очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган буюк сиймолар Радишчев, Белинский, Герцен, Пушкин, Чернишевский, Добролюбов, Достоевский, Лев Толстой, Максим Горькийларнинг бепоён Россия сарзаминида ҳурриятпарварлик ғояларининг таркалиши ва революцион ҳаракатнинг ривожланишида ўйнаган ролига юксак баҳо беради... «Россияда сиёсий онг ва фикр адабиёт даврасидан кириб келган», — дейди Латиф Аҳмад ва бундай фикр ва онг пировардида амалиёт ва ҳаракатга чорловчи муҳим омилга айланганлигини таъкидлайди.

Муаллиф Ленин революцион таълимотининг Россия ҳамда мустамлака ва қарам мамлакатлар озодлик ҳаракатида ўйнаган ролининг оламшумул аҳамиятини қайд этиб, «Ленин раҳбарлигидаги сиёсий ҳаракатнинг забардаст муваффақияти дунё харитасини ўзгартириб юборди... Ленин фалсафаси ва амалий фаолиятининг энг катта хусусияти, балки хушқисматлиги шунда эдики, тарихда инсон шоду хуррамлиги ва бахт-саодати ҳақида қилинган орзуларни шакллантирди ва мужассам этди», дейди.

Латиф Аҳмад ўз асарида Ўрта Осиё халқлари тақдирида Владимир Ильич Ленин ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўйнаган ролини кўрсатишга интилади. Шу боисдан ҳам китобдаги мақолаларнинг аксарияти Ўрта Осиё халқлари адабиёти, санъати, илму фан ва маданияти тараққиётига бағишланган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли Ўрта Осиё халқлари капитализмнинг азоб-уқубатли йўлидан воз кечиб, кўҳна Осиёнинг ўрагида социалистик жамият қуришга киришдилар.

Асардан келтирилаётган қуйидаги парчадан муаллиф, нима учун Ўрта Осиё халқларининг ўтмиш ва ҳозирги замондаги тараққиёти билан қизиқаётганлиги маълум бўлади:

«Кези келганда Узбекистоннинг баъзи илмий ва маданий муассаса ва идораларини зикр қилмоқ даркор. Бундан мурод шуки, биз ҳиндистонликлар, хусусан ҳинд ва мусулмонлар ўзимизга қўшни халқлар аҳволини андоза қилайлик, иложи бўлса, сабоқ, ҳам олайлик, чунки халқ агар бир ёқадан бош чиқариб бир ишга киннаса, дунёнинг ҳар мушкул иши ҳам осон бўлиб кетаверади: агар жамият азм айласа, бўлмайдиган ишнинг ўзи қолмайди». Ҳиндистон жамоатчилигини, турган гапки, Совет Ўрта Осиёси республикаларининг тарихан қисқа муддат ичида эришган бамисоли мўъжизалар силсиласи—муваффақиятлари сири қизиқтиради. Инсоният тарихида буюк воқеа бўлган Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли жаҳонда том маъноси билан янги жамият вужудга келди, одамлар, элатлар, миллатлараро муносабатларда ҳам бамисоли инқилоб бўлди. Ҳинд публицисти Совет Иттифоқида халқлар ўртасидаги муносабатларда шакллниб бораётган бу қутлуғ ўзгаришларни қайд этиб, халқлар ўртасида уларнинг катта-кичиклиги ранги, ирқидан қатъи назар вужудга келган ўзаро эҳтиром, мадад, ҳамкорлик, биродарлик муносабатларидан таъсирланган муаллиф бунга совет воқелигидан ёрқин мисоллар келтиради ва совет тузуми ҳамда сиёсатининг афзалиятини қайд этади.

Улуғ Ватан уруши совет тузумининг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлиги учун жиддий синов бўлди, инсониятнинг ёвуз душмани фашистлар Германиясининг совет халқлари дўстлигини бузиш учун беҳуда уринишлари барбод бўлди, фашизм мағлубиятга учради. Автор мамлакатимизнинг фашистлар вақтинча босиб олган районларидан Ўрта Осиё Совет республикаларига олиб келинган ота-онасиз қолган болалар ҳақида урду китобхонларига ҳис-ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беради: «Ҳар хонадон бир болани бағрига олиши одат тусига кириб қолган эди. Тегишли идорага бир аёл келиб, бола олиш истагини билдиради». Муаллиф бир етим қизни олишга бехад талабгор ўша аёлнинг тўққиз боласи борлигини уқдириб ўтади.

Китобдаги «Ўрта Осиё халқларининг совет адабиёти», «Ўрта Осиёлик бир неча санъаткор», «Узбекистонда илму-фан тараққиёти» ва бошқа мақолаларда Совет Шарқи республикаларининг маданият, санъат, адабиёт равнақи, фан ва техника соҳасидаги улкан ютуқлари ҳақида, фикр юритилади. Ўрта Осиё халқлари адабиётларининг йирик намояндалари Лутфий, Навоий, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғайратий, Садриддин Айний, Лоҳутий, Берди Кербобоев, Жамбул, Собит Муқонов, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Мақсуд Шайхзодаларнинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Латиф Аҳмад ЎзССР Фанлар академиясининг фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади. «Ўзбекистонда илму фан тараққиёти» мақоласида академиянинг йиллик мажлисида йирик олимларимиз томонидан ўқилган илмий маърузаларнинг аҳамияти қайд этилган. Мақола хотимасида муаллиф, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминовнинг бедилшуносликка муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлайди.

Латиф Аҳмаднинг урду тилидаги бу китоби совет-ҳинд дўстона ва маданий муносабатларининг ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, Ҳиндистон афкор оммасининг эҳтиёж ва талабига биноан ёзилган асардир. Ҳозирги кунда коммунистик жамият қураётган Ўрта Осиё халқларининг бой тажрибалари нафақат Ҳиндистон, балки, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақилликка эр ишиб тараққий этаётган мамлакатлар халқларини ҳам ғоят қизиктиради.

З. АШУРБОЕВ,
филология фанлари кандидати.

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

«ЛЕНИНГРАД» — ЯНГИ СОВХОЗ

Қашқадарё область, Косон районида яна бир янги совхоз ташкил қилинди. Чорва ва пахтачилик билан шуғулланадиган бу хўжаликка «Ленинград» номи берилди.

Ж. МУЙСИНОВ.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Волга бўйи шаҳарларидан бири Куйбишевда ўзбек фильмлари фестивали бошланди. «Узбекфильм» ишлаган «Тасодиф оқ остида», «Еттинчи ўқ» каби бир қанча картиналарни куйбишевликлар зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ.

«ҚУДА КЕЛДИ»

Сурхондарё область театрининг ижодий коллективи ўз репертуарини замонавий асарлар билан бойитиб бораяпти. Театр яқинда қозоқ адиби Холтой Муҳаммаджонинг ёшлар турмуши, ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қиладиган «Қуда келди» асарини саҳналаштирди.

М. ЗАБИЕВ.

«ЗЕБО» — БАХТ ДАРГОҲИ

Самарқандаги «Зебо» никоҳ уйининг ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Шу даврнинг ичида бу қутлуғ даргоҳдан салкам 7 минг йигит-қиз никоҳдан ўтди. Еттинг минг иқбол, еттинг минг тўй-тантана! Биргина шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 690 жуфт йигит-қизнинг ширин орзулари шу ерда ушалди.

Никоҳ уйининг мудираси М. Сайдованинг таъкидлашича, бу ерда никоҳлар шунчаки қайд қилиниб қолмасдан, уларнинг ҳаммаси замонавий тарзда, шодлик ва тантана билан нишонланяпти.

Р. АМИНОВ.

АВГУСТ ОБ-ҲАВОСИ

Август — ёз фаслининг ҳароратли ойларидан бири. Бу йил ҳам августнинг биринчи ярмида ҳаво иссиқ келади. Барометр симоби нечалари 20-25, кундузи 35-40, республиканинг ялпи жойларида 41-43 даражани кўрсатиб туради, Тўртинчи беш кунликка келиб, иссиқлик пасаяди ва ҳарорат кечаси 13-18, айрим жойларда 10-15, кундузи 28-33, республиканинг жанубий районларида 30-35 даража иссиқ бўлади. Августнинг учинчи ўн кунлигида ҳам ҳавонинг мана шундай бўлиб туриши кутилади.

Узбекистонда августда ўртача ойлик ҳарорат нормага яқин бўлиб, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг айрим жойларида нормадан 1-1,5 даража ортиқ бўлади.

Республиканинг кўпчилик районларида ҳаво нам булутли келиб, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Тўртинчи беш кунликда Фарғона водийсининг айрим жойларида бироз ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиш эҳтимоли бор. Август ойи давомида ғарб ва Шимоли-ғарб томондан кучсиз шамол эсиб туради.

А. АВАНЕСОВА.

Тошкент узоқ муддатли об-ҳаво бюросининг лаборатория мудири.

ЯШАНГ, ДОКТОР ЎҒЛИМ!

Одам, ўзи илгари кўрмаган, лекин кўзларига қайта нур ато қилиб ғўзал оламни, олиҳиммат кишиларни кўриш бахтига муяссар қилган доктор билан биринчи марта юзлашса не аҳволга тушаркан! Миннатдорчилигини қандай изҳор қиларкин, деб юрардим.

Яқинда шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Акрам буванинг кўзини очган доктор кўргани келармиш, деб қолишди. Шу учрашувга ошиқдим...

Акрам бува деҳқон ўтган, деҳқончилигида суяги қотган, меҳнат билан узоқ умр кўриб келаётир. У иккинчи асрнинг юзини кўраётган отахон. Ёши 90 га қараб нетяпти.

Шу йилнинг бошида тўсатдан отанинг кўзлари хира тортиб, кўрмай қўйди. Тиниб-тинчимас отахон ўтириб қолди. Чўнтакларини ҳар хил ширинликка тўлдириб, кўринган болага улашадиган кувноқ ниши кўриш бахтидан маҳрум бўлганди. Шунда:

— Мени докторларга кўрсатинглар, болаларни согиндим. Яна невараларимнинг тўйини кўрсам дегандим. Қудаларимиз ногирон буваси ҳам бор экан, дейишмасин, — деган гапни айтди отахон.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг хирурги, медицина фанлари кандидати Ҳасан Мирзаевга отани кўрсатишди. Қариянинг бардамлигини кўриб, бошқалар журъат эта олмаган ишга у қўл урди.

— Шунча йил кўрган кўзингиз бундан кейин ҳам кўради. Ҳали 100 га кириб юрасиз, ота, — деб далда берди у. Мана энди улар учрашиб турибди:

— Кўзларимга нур берган сизмисиз, доктор?! Қўлингиз жуда енгил экан. Барака топинг. Менинг ёшимга кириб юринг, — дейди ота уни ўз ўғлидек бағрига босиб, пешонасидан ўпаркан. Кейин чўнтагидан бир қисм ширинлик олиб докторга узатаркан:

— Раҳмат, ўғлим, тўйгача тузатиб, кўнглимни тоғдай кўтариб юборданг. Олиҳиммат йигит экансиз. Баракалла! — дейди астойдил у.

— Отахон, бахтингиз бор экан, янгича усул билан кўзингизга зиё бердик. Кўз гавҳарини музлатиб, операция қилдик. Неваларингизни тўйини ўз кўзингиз билан кўрадиган бўлдингиз. Хурсандмисиз, — дейди доктор.

— Бўлмасамчи! Умрингиздан барака топинг, — дея Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги «Қизил Шарқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Акрам бува Алимовнинг юзларига нур ёғилди. Унинг шу мамнун ҳолатида суратга туширдик.

Ҳ. НОСИРОВ фотоси.

Ажаб савдолар

СОХТА «МУХБИР»

Ҳай, ҳай! Бундай одамларга дуч кела кўрманг. Феъли айнаб турган бўлса, пашшадан фил, филдан пашша ясаб юборишни ҳеч гап эмас.

Яқинда ўша кимсанинг «муборак» қадами Тошкент областидаги «Обирахмат» дам олиш уйига етди. Қайси кўзи билан кўрсинки, ҳаммаёқни одам босиб кетибди. Устига-устак, дам олишга келганларни рўйхатдан ўтказувчи ўртоқ касал бўлиб қолиб, директор ўринбосари Русат Зиёвуддинов уни шифохонага олиб кетибди. Директор Иҳром Норматовнинг боши қотган. 250 дам олувчини қандай кузатсин, улар ўринга келганларни қандай қабул қилиб олсин. Область курортлар бошқармаси айби билан 13 июлда келиши керак бўлган одамлар 9 июлда келиб қолибди. Шунингдек, икки кунгина ҳордиқ чиқариш учун келган иккиюздан ортиқ киши ҳам бор!

Қаҳрамонимизнинг бу билан иши йўқ.

— Вой дод, қани бизга шароит? Дам олувчиларга ҳурмат шуми?! — деб шовқин солади.

Бир пайт унинг кўзига директор Иҳром Норматов кўриниб қолса бўладими?!

— Хой, сизми директор?!

— Шундай... ука.

— Директорликни эпласанг қил, бўлмаса бўшатиб қўй!

— Энди ука, кўриб турибсиз...

— Ҳа кўриб турибман! Тўрт томонда бетартиблик! Ҳаммангни газетага уриш керак!

Вали Шоназаров шовқин-сурон аралаш ўзининг «Қизил Узбекистон» («Совет Узбекистони» демоқчидир) газетаси «мухбири»ни эканлигини билдиради.

— Ҳа, кўрасанлар!

Сохта мухбир ўз кетидан учтўрт «лақма»ни эргаштириб, бир зумдаёқ дам олиш уйини алғов-далғов қилиб ташлади. Кейин редакцияга шошилинч телеграмма йўллади:

«Ўттиз дам олувчининг арзларини эшитиш учун зудлик билан «Обирахмат» дам олиш уйига мухбир юборинг. Улар икки-уч кундан буён жойлаша олмаяпти. Маъмурият тегишли чора кўрмаётир. Шоназаров».

— Мана, энди кўрасизлар! Вали Шоназаров дам олиш уйи хизматчиларига яна ҳамла қилди. — «Қизил Узбекистон» мухбири сизларни мулла қилиб қўяди, ҳа!

Дам олиш уйи раҳбарлари В. Шоназаровнинг дўқ-пўписаларидан кўрқибми ёки «кел, қулоғимиз тинчисин» дебми — ишқилиб, уни яхши жой билан таъминлашди. Бошқалар ҳам бир амаллаб жойлаштирилди.

Телеграмма изидан «Обирахмат»га мухбир етиб борди. Бу пайтда «мухбир» В. Шоназаров мириқиб ухлаб ётган экан. Дам олиш уйи ишчи ва хизматчилари унинг «мухбир»ликни пеш қилиб, кўрсатган турфа найранглари ҳақида сўзлаб беришди.

Бунга Вали Шоназаров ишлаб турган Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакциясидаги ўртоқлар нима дейишаркин?!

Р. ИСҲОҚОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

Спорт янгиликлари

КОМАНДАМИЗ ЧЕМПИОН

Уз группасида Ленинград, Арманистон, РСФСР-2, Запорожье командаларини ҳамда Минскнинг «Политехник» коллективини ортда қолдирган Тошкент жисмоний тарбия институтининг қўл тўпи усталари биринчи ўринни эгалладилар. Командамиз шу тарина Краснодарнинг «Университет» командаси — иккинчи кичик группа голиби билан куч синашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўйин қизғин вазиятда ўтди. Учрашувнинг иккинчи қисми ўрталаригача тўплар нисбатида 8 та фарқ бор эди. Масъулиятли бу учрашув Тошкент қўл тўпи усталари фойдасига 26:23 ҳисобида тугади. Республикамиз қўл тўпи усталари бугал ҳам ўтган йилги сингари мамлакат студентлар коллективлари ўртасида чемпионлик номини олишга муваффақ бўлдилар.

Чемпион командамиз Иордания терма командаси билан 2 августда ўтадиган халқаро ўртоқлик учрашувига тайёргарлик кўрмоқда.

УЧ ЎРИНГА ДАЪВОГАРЛАР

Эртага Тошкентдаги шахматшашка клубида шахматчилар иккинчи клуби очиқ биринчилигининг мусобақалари бошланади. Мусобақага ўтган йилги клуб чемпиони спорт мастери И. Бирбрагер, А. Мкртичан, мастерликка номзод А. Разваляев, В. Манин, Ш. Ҳамроқулов, О. Сиддиқовлар ҳам таниф этилган. Мазкур учрашувда 70 киши швейцарча системада куч синашади. Мусобақанинг уч голиби сентябрда А. Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказиладиган мусобақада қатнашади.

ПОЛВОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Андижонда Фарғона водийси миллий кураш усталарининг беллашувлари бўлиб ўтди. Андижон, Фарғона, Ўш, Наманган областларидан келган юздан ортиқ полвон икки кун давомида куч синашди. Команда ҳисобида андижонликлар биринчи, ўшликлар иккинчи, наманганликлар учинчи ўринларни олдилар. Бу учрашув август ва сентябрь ойларида Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон командаларираро миллий кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларга тайёргарлик учун муҳим босқич бўлади. Полвонлардан кимлар терма командамизга киритилиши анча ойдинлашди.

Т. АШУРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Юлдузча». 19.05 — Ахборот. 19.20 — Узбекистон халқ шоири Уйғун. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дала ишлари кундалиги. 21.05 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «ВАҚТ». 22.30 — Футбол. 00.05 — Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Кўғирчоқ фильм. 11.30 — Андрейка (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Концерт. 19.30 — «Архитектура». 20.00 — Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Бадиий фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Бахт ва меҳнат қўшиқлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — Телеспектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/VIII да **Алишер Навоий**, 2/VIII **Самандар**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл ворислари (10.30, 15.00, 19.30, 20.45, 22.30). **Гайдук Ангел саргузашти** (12.00, 16.30): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Дача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КЎКЧА» (17.00, 19.00, 21.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КЎКЧА» (11.00, 14.00), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.20, 20.30).

Анжелина ва қироль (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Килиманжаро қорлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Гайдук Ангел саргузашти (2 серия) — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳарбий йўл ворислари — «ХИВА».

Узбек Давлат филармонияси
ЧУСТ ШАҲАР СТАДИОНИДА
4 АВГУСТДА
КОСОНСОЙ ШАҲАР СТАДИОНИДА
5 АВГУСТДА
Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан

САНЪАТ БАЙРАМИ
КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар:
«Шодлик» ашула ва рақс ансамбли. Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Ҳаким НИШОНОВ.**
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Олмахон ҲАЙИТОВА
Солистлар: **Фахриддин УМАРОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулчехра ИСМОИЛОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Рашида РАҲИМОВА;**
телеминиатюра ва сўз усталари **Ҳасан ИЎЛДОШЕВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ.**
Программани — **Утқир СИДДИҚОВ** олиб боради.
Концерт кеч соат 7 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

3-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН БОШҚАРМА
автокранчи-шоферлар тайёрлайдиган
КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсантларга ҳар ойда 65 сўм стипендия берилади.
Елғиз кишилар ётоқхонага прописка қилинадилар.
Ўқиш муддати — 7 ярим ва 8 ой.
МАШҒУЛОТЛАР — 10 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.
Шунингдек автокранчи касбига ўқитиш учун шоферлар керак. Ўқиш муддати — икки ой.
Мурожаат учун адрес: С. Раҳимов район, Қорасарой кўчаси, 326 «б»-уй, кадрлар бўлими.

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

27, 13, 48, 45, 31, 36

ВИЛЬНЮС ШАҲРИДА 30 ИЮЛДА ЎТКАЗИЛГАН «СПОРТЛОТО»НИНГ НАББАТДАГИ ТИРАЖИДА ЮҚОРИДАГИ РАҚАМЛАРГА ЮТУҚ ЧИКДИ.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 · ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
№ 179. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03560.